

PhD Руслан КУНАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДИВИДЕНД
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ**

Аннотация. Тижорат банкларида дивиденд сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишда соҳага оид турли тадқиқотлар ва илмий ишлар ўрганилган. Тижорат банкларида акциядорлар таркиби, дивиденд сиёсати ҳамда дивиденд тўловлари таҳлил қилинган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: дивиденд сиёсати, дивиденд, дивиденд тўловлари, оддий акциялар, имтиёзли акциялар, соф фойда, тақсимланмаган фойда.

**ANALYSIS OF DIVIDEND PRACTICES OF STATE-PARTICIPATED
COMMERCIAL BANKS**

Abstract. Various studies and scientific works related to the field have been studied in researching the specific features of dividend policy in commercial banks. The composition of shareholders, dividend policy and dividend payments in commercial banks were analyzed. Relevant conclusions were formed based on the performed analysis.

Keywords: dividend policy, dividend, dividend payments, common stock, preferred stock, net profit, retained earnings.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида тижорат банкларининг молия бозоридаги фаоллигини таъминлаш учун дивиденд сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган кенг доирадаги илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, халқаро тижорат банклари томонидан дивидендлар мунтазамлигини таъминлаш ва жозибadorлигини ошириш орқали акцияларни муваффақиятли оммавий жойлаштиришга эришиш, мулкдорлар таркибининг дивиденд сиёсати ва инвестицион жозибadorликка таъсири тадқиқи, солиққа тортиш, регулятив ўзгаришлар, банк депозитларини суғурталашни кенгайтириш кабиларнинг банклар дивиденд сиёсатига таъсирини баҳолаш, фойдани бошқариш асосида дивиденд тўловларини амалга ошириш орқали тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш кабилар муҳим илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда “давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача етказиш” [1] белгиланган бўлсада, банк томонидан тўаланётган дивидендлар инвесторларни қаноатлантирмаётганлиги боис давлат иштирокидаги тижорат банкларини хусусийлаштириш бўйича ижобий натижалар етарли эмаслиги, тижорат банклари дивиденд сиёсатининг инвестицион жозибадорликни оширишга йўналтирилмаганлиги, аксарият тижорат банкларининг дивиденд бўйича даромадлилик кўрсаткичлари инфляция даражасидан ҳам пастлиги натижасида акциялар ликвидлиги юқори эмаслиги мазкур йўналишда кенг доирада илмий тадқиқотлар амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб беради. Келтирилган жиҳатлар мамлакатимиздаги тижорат банкларининг глобал рақобатда ортда қолаётганлигидан ҳам далолат беради.

Адабиётлар шарҳи

Тижорат банклари дивиденд сиёсатининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, тижорат банкларининг дивиденд сиёсатининг бошқа акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсати билан қатор ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжудлигини таъкидлашимиз лозим.

Бир гуруҳ олимларнинг таъкидлашича, банк менежерлари рискларни акциядорлардан омонатчиларга ва бошқа кредиторларга ўтказиш учун дивидендлардан фойдаланади [2].

“Банклар баъзан дивиденд тўловларини қисқартириш ёки дивиденд тўламаслик орқали ўз капиталлашувини яхшилашлари мумкин. Бироқ, баъзи кузатувчилар таъкидлашадики, инвесторлар ва молиявий таҳлилчилар учун дивидендлар тўловларининг қисқариши келажақдаги муаммоларни кўрсатадиган салбий сигнал сифатида талқин қилинади” [3]. Бундай тижорат банкларида баъзан лойиҳалар режалаштирилган, бироқ риск юқори бўлган тақдирда рискка мойиллиги кучли бўлган инвесторларгина маблағ йўналтириши мумкин. Натижада тижорат банкларида капитал жалб қилишда муаммолар юзага келиши мумкин.

К.Имран, М.Усман, М.Нишатларнинг таъкидлашларича, “банкнинг бир дона акция бўйича даромадлилиги, сўнгги йилдаги дивиденд тўловлари, банкнинг капитали нисбати ва ҳажми дивиденд тўловлари кўрсаткичларини аниқлашда ҳал қилувчи омиллардир” [4].

Халқаро амалиётда банкларда дивиденд сиёсатини ривожлантириш бўйича қатор иқтисодчи олимлар томонидан изланишлар амалга оширилган. М.Кейсей ва Р.Диккенс фикрича, “дивидендлар бўйича солиқ ставкалари

қанчалик паст бўлса, компанияларда дивиденд тўловлари шунчалик юқори бўлади” [5]. Бунда тижорат банкларида солиқ ставкалари ва дивиденд тўловлари миқдори тескари боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

“Банкларда депозитларнинг қайтарилишини таъминлаш учун суғурталашнинг сезиларли даражада ўсиши мазкур банкларда суғурталанган депозитлар миқдори камроқ бўлган банклардагига нисбатан дивиденд тўловларини қисқартиради” [6]. Чунки депозитларни суғурталаш билан боғлиқ харажатлари тижорат банкларининг фойдасини камайтиради ва бу ўз навбатида дивиденд тўловлари ҳажмига ҳам таъсир қилади.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, “банклар ўз молиявий потенциалини фонд бозори иштирокчиларига намоён этиш учун дивидендлар тўлайди. Дивиденд тўлашга мойиллиги паст бўлган корхоналардан фарқли равишда банкларнинг дивиденд тўлашга мойиллиги юқори ҳисобланади” [7]. Демак, тижорат банклари учун дивиденд сиёсати ижобий имиж яратиш ва инвестицион жозибдорлигини оширишда бошқа тармоқдаги акциядорлик жамиятларидан кўра кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади.

“Дивиденд сиёсати ушбу агентлик низоларининг даражасига боғлиқ, аммо компаниялар фаолиятида агентлар учун қилинадиган харажатлар компаниянинг қарзларига қараганда анча ҳал қилувчи рол ўйнайди” [8]. Тижорат банкларида ҳам агентлик низоларини инобатга олиш лозим.

“Тижорат банклари эмитент сифатида акциядорларга доимий дивидендлар тўланиши орқали кўшимча акцияларни самарали жойлаштириш имкониятини оширади ва бу орқали банкларнинг капиталлашувини ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам тижорат банклари дивиденд сиёсатига алоҳида эътибор беришлари зарур” [9]. Бозор капиталлашувининг ошиши, ўз навбатида, тижорат банкларига бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлашга ва фаолиятини самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Ш.Абдуллаева ва А.Омоновлар фикрича, “тижорат банклари йилни соф фойда билан яқунлаганлигини банк акциядорларига тўлаган дивидендлар миқдори, банк капиталини капитализация қилинаётган маблағлар ҳажмидан ҳам аниқлаш мумкин... Банк акциядорларининг нуқтаи назаридан олиб қараганда банкнинг оддий акцияларини сотиб олишга сарфланган маблағлар акциядорлар учун юқори riskли ҳисобланади. Чунки акциядорлар оддий акция учун фақат дивиденд оладилар. Дивиденд эса банкнинг соф фойдаси ҳисобидан тўланади. Ҳолбуки, банкнинг исталган мажбурий тўловлари ва захиралари миқдори молиявий йил давомида кескин ўзгариши мумкин” [10]. Инвесторлар учун risk даражаси тижорат банкларининг кўрсаткичлари, хусусан, дивиденд тўловлари орқали намоён бўлади.

Б.Т.Бердияров банкларда дивиденд тўловлари даражаси бўйича бир қатор фикрлар билдирган бўлиб, “банк капиталининг таннархида таъсисчиларнинг дивидендлари ва жорий инфляция даражаси мавжуд. Амалдаги қонун талабларига кўра акционерларга тўланиши лозим бўлган дивиденд миқдори иқтисодиётдаги инфляция даражасидан кам бўлмаслиги керак” [11]. Агар дивиденд тўловлари даражаси инфляция даражасидан паст бўладиган бўлса, тижорат банклари фонд бозоридан капитал жалб қилишда муаммоли ҳолатга айланиши мумкин.

Тижорат банклари дивиденд сиёсатида миноритар акциядорлар ҳуқуқларини инобатга лозим. С.Элмирзаев ва С.Омоновлар фойдани тақсимлашда миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор қаратган. “Назорат пакетига эга акциядорлар тақсимланмаган фойдани дивиденд олмасдан катта фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига сарфлашлари мумкин. Бунда миноритар акциядорлар норозилиги юзага келиши ва ўз акцияларини сотиш орқали киритган инвестицияларини қоплашлари мумкин. Ушбу ҳолат эса бошқа компаниялар томонидан ушбу акцияларни сотиб олиш орқали компаниянинг қўшиб олинишига олиб келиши мумкин” [12]. Бу жиҳатлар тижорат банклари учун ҳам ўринли эканлигини инобатга олган ҳолда миноритар акциядорлар масаласи жаҳон амалиётида ҳам долзарб эканлигини айтишимиз лозим.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда банкларнинг дивиденд сиёсати молиявий барқарорлигини таъминлаш, капитал етарлилигини сақлаш ва рискларни камайтириш талаблари билан узвий боғлиқ ҳолда шакллантиришга ҳаракат қилинади, бироқ мазкур жараён ҳар доим ҳам етарлича самарали ташкил этилавермайди. Амалиётда корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиши ва ахборот ошқоралигининг кучайишига эътибор қаратиш лозим, чунки мазкур жиҳатлар дивидендлар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнини янада шаффофлаштириб, инвесторлар ишончини оширишга хизмат қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорлари таркибини 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра таҳлил қиладиган бўлсак, банк устав капиталида давлат ва юридик шахслар иштирокининг устун эканлигини яққол намоён этади. Чунки жами устав капитали 4 628 941,9 млн сўмни ташкил этиб, унинг асосий қисми институционал инвесторлар ўртасида тақсимланган. Мазкур банкда жами 40 145 нафар акциядор мавжуд бўлиб, уларнинг 3 817 нафари юридик шахслар ҳисобланади ва айнан шу тоифа 99,13 фоиз улушга эгалик қилади. Юридик шахслар томонидан киритилган маблағлар ҳажми 4 588 704,8 млн

сўмни ташкил этиб, банк капиталида уларнинг ҳал қилувчи ўрнига ишора қилади (1-жадвал).

1-жадвал

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорлари, 2026 йил 1 январь
ҳолатига [13]**

№	Акциядорлар рўйхати	Устав капиталидаги улуши	
		млн сўм	%
1	Юридик шахслар жами (3 817 нафар акциядор)	4 588 704,78	99,13%
Шу жумладан: улуши 1% ва ундан ортиқ бўлган акциядорлар			
1.1	Ўзбекистон Республикасини Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	2 415 891,98	52,19%
1.2	Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси	1 388 682,58	30,00%
1.3	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	623 994,10	13,48%
1.4	“Ўзтрансгаз” АЖ	56 051,93	1,211%
1.5	бошқалар (3 813 нафар акциядор)	104 084,21	2,249%
2	Жисмоний шахслар жами (36 328 нафар акциядор)	40 237,14	0,87%
Шу жумладан: улуши 1% ва ундан ортиқ бўлган акциядорлар			
2.1	–	–	–
2.2	–	–	–
2.3	бошқалар	40 237,14	0,87%
	Жами: (40 145 нафар акциядор)	4 628 941,93	100,00%

Энг йирик акциядор сифатида Ўзбекистон Республикасини Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 52,19 фоиз улуш билан етакчилик қилади. Ушбу жамғарманинг катта иштироки банк фаолиятининг давлат стратегик дастурлари билан уйғунлашган ҳолда ривожланишини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси 30,00 фоиз улуш билан банк капиталида муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳолат банкка узоқ муддатли инвестиция ресурсларини жалб қилиш имконини оширади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 13,48 фоиз улушга эгалик қилиши эса молиявий барқарорлик ва давлат назоратини мустаҳкамлайди.

Ўзсаноатқурилишбанкнинг 2017-2024 йиллардаги соф фойдаси тақсимланиши таҳлили банк молиявий ресурсларидан фойдаланишда

стратегик ёндашув устувор эканлигини кўрсатади, чунки фойданинг асосий қисми захиралар ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган. Хусусан, банкнинг умумий захира фондига ажратилган маблағлар йиллар кесимида турлича ўзгариб, 2019 ва 2020 йилларда сезиларли даражада ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзсаноатқурилишбанкнинг 2017-2024 йиллардаги соф фойдаси тақсимланиши, млн сўмда [14]

№	Тақсимланмаган фойда тақсимоти мақсади	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
1	Банкнинг умумий захира фондига	11844,2	211360	279386,08	49651,89	29446,85	45361	63721,93
2	Стандарт кредитлар бўйича захира	151300	138364,08	117779,54	-	-	8521	-
3	Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивиденд тўлаш	1 616,9	1 616,9	1 616,9	1 616,9	1 616,9	1 617	1 616,9
4	Банкнинг оддий акциялари бўйича дивиденд тўлаш	71350,2	353150,08	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
5	Тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш	-	34,9	38,5	47,87	-	0,0	0,0
6	Инновацион фондга	-	-	-	-	58 893,7	58 893,7	-
7	Тақсимланмаган фойда қолдиқлари	292,7	-	399424,92	941721,15	498979,59	860238	1209099,84
Жами:		236884,1	704525,96	798245,94	993037,81	588937,05	907216	1274438,67

Стандарт кредитлар бўйича захираларга йўналтирилган маблағлар 2018-2020 йилларда юқори бўлган бўлса-да, кейинги йилларда мазкур йўналиш бўйича ажратмалар қисқарган. Бу эса кредит портфели сифатининг маълум даражада яхшиланганини англатиши мумкин. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар деярли ҳар йили барқарор равишда тўланиб, акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилган. Айни пайтда, оддий акциялар бўйича дивидендлар фақат 2018 ва 2019 йилларда тўланиб, кейинги йилларда тўлиқ тўхтатилган. Бу ҳолат банк томонидан фойдани қайта инвестиция қилишга устувор аҳамият берилганини кўрсатади. Тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш учун ажратилган маблағлар чекланган ҳажмда бўлиб,

асосан 2019-2021 йилларга тўғри келади. Инновацион фондга маблағ ажратилиши эса фақат 2022 ва 2023 йилларда амалга оширилиб, рақамли трансформация ва технологик янгиланишга эътибор кучайганини ифодалайди. Тақсимланмаган фойда қолдиқлари йиллар давомида изчил равишда ўсиб, айниқса 2021 йилдан кейин сезиларли даражада кўпайган. Бу ҳолат банкнинг ўзини ўзи молиялаштириш имкониятлари кенгайганини кўрсатади. Жами тақсимланган фойда ҳажми 2018 йилда 236 884,1 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 1 274 438,7 млн сўмга етган.

АТ “Алоқабанк” томонидан 2021-2025 йилларда ҳисобланган дивиденд тўловлари таҳлили банкнинг ушбу даврда нисбатан эҳтиёткор ва консерватив молиявий сиёсат юритганини кўрсатади, чунки 2021-2023 йилларда оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар умуман ҳисобланмаган. Мазкур ҳолат 2020-2022 йиллар якунлари бўйича соф фойданинг асосан захираларга йўналтирилгани ёки қайта инвестиция қилингани билан изоҳланади. 2021 йилда 2020 йил якунлари бўйича дивидендлар ҳисобланмагани банкнинг пандемиядан кейинги молиявий барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият берганини англатади. 2022 йилда ҳам 2021 йил натижалари асосида дивидендлар тўланмагани мазкур тенденциянинг давом этганини кўрсатади (3-жадвал).

3-жадвал

АТ “Алоқабанк” томонидан 2021-2025 йилларда ҳисобланган дивиденд тўловлари [15]

№	Йил	Акция тури	Ҳисобланган	Изоҳ
1	2021	Оддий	-	2020 йил якунлари бўйича дивидендлар ҳисобланмаган
		Имтиёзли	-	
2	2022	Оддий	-	2021 йил якунлари бўйича дивидендлар ҳисобланмаган
		Имтиёзли	-	
3	2023	Оддий	-	2022 йил якунлари бўйича дивидендлар ҳисобланмаган
		Имтиёзли	-	
4	2024	Оддий	-	Дивидендлар 2019–2023 йиллар учун ҳисобланди
		Имтиёзли	7 380,0	
5	2025	Оддий	-	-
		Имтиёзли	1 476,0	

Шунингдек, 2023 йилда 2022 йил якунлари бўйича дивидендлар ҳисобланмагани банк фойдасини капиталлаштириш сиёсати сақланиб қолганини тасдиқлайди. Фақат 2024 йилга келиб, 2019-2023 йиллар учун жамланган натижалар асосида имтиёзли акциялар бўйича 7 380,0 млн сўм миқдорида дивиденд ҳисобланди. Бу ҳолат банкнинг молиявий аҳволи

барқарорлашгани ва акциядорлар олдидаги мажбуриятларни босқичма-босқич бажара бошлаганини кўрсатади. Бироқ, шу даврда ҳам оддий акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмагани акциядорлар учун даромад олиш имконияти чекланганини англатади. 2025 йилда имтиёзли акциялар бўйича 1 476,0 млн сўм дивиденд белгилангани банкнинг дивиденд сиёсатини қисман фаоллаштиришга ҳаракат қилаётганини намоён этади.

Хулоса

Мазкур мақолада тижорат банклари дивиденд сиёсати ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш орқали куйидагиларни қайд этиш лозим:

1. Тижорат банкларида дивиденд сиёсатининг асосий хусусияти фойдани максимал даражада тақсимлаш эмас, балки уни захиралар ва капитални мустаҳкамлашга йўналтиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Шу сабабли келгусида банклар дивидендларни тўлаш ва капитални ошириш ўртасида мувозанатни таъминловчи ўрта муддатли дивиденд стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ;

2. Тижорат банклари акциядорлик тузилмасида давлат ва институционал инвесторларнинг устун улушга эгаллиги банк бошқарувининг марказлашган ва стратегик йўналтирилганлигини таъминлаган. Бироқ мазкур ҳолатнинг салбий оқибатлари ҳам намоён бўлмоқда. Тижорат банклари акцияларида жисмоний шахслар иштирокини ошириш учун фонд бозори орқали оммавий жойлаштириш механизмларини кенгайтириш лозим;

3. Тижорат банкларида оддий акциялар бўйича дивидендларнинг деярли тўланмаслиги чакана инвесторлар манфаатларининг таъминланмаслигига олиб келмоқда. Оддий акциялар бўйича минимал дивиденд сиёсати жорий қилиниб, жисмоний шахсларнинг банк капиталига қизиқишини ошириш лозим. Шунингдек, тижорат банкларида ҳам фойданинг катта қисми захира фондларига йўналтирилганлиги рискларни бошқариш тизимига катта аҳамият берилганини кўрсатади. Шу сабабли захиралар самарадорлигини ошириш учун стресс-тестлар, сценарийли таҳлиллар ва халқаро риск-менежмент стандартларини кенг жорий этиш зарур;

5. Давлат иштирокининг юқорилиги ва дивиденд қарорларининг марказлашган тартибда қабул қилиниши корпоратив бошқарувнинг ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Шу боис акциядорлар билан ахборот алмашинувини кучайтириш, дивиденд сиёсати бўйича очиқ ҳисоботларни мунтазам эълон қилиш ва инвесторлар билан муносабатларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

2. Edie Erman Che Johari, Dimitris K.Chronopoulos, Bert Scholtens, Anna L.Sobiech, John O.S.Wilson. Deposit insurance and bank dividend policy. // Journal of Financial Stability, Volume 48, June 2020

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1572308920300231#bib0295>

3. Tobias Basse, Sebastian Reddemann, Johannes-Jörg Riegler, J.-Matthias Grafvon der Schulenburg. Bank dividend policy and the global financial crisis: Empirical evidence from Europe. // European Journal of Political Economy, Volume 34, Supplement, June 2014;

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0176268013000670>

4. Kashif Imran, Muhammad Usman, Muhammad Nishat. Banks dividend policy: Evidence from Pakistan. // Economic Modelling, Volume 32, May 2013, Pages 88-90;

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0264999313000448>

5. K.Michael Casey, Ross N.Dickens. The effects of tax and regulatory changes on commercial bank dividend policy. // The Quarterly Review of Economics and Finance, Volume 40, Issue 2, Summer 2000, Pages 279-293

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1062976999000514>

6. Edie Erman Che Johari, Dimitris K.Chronopoulos, Bert Scholtens, Anna L.Sobiech, John O.S.Wilson. Deposit insurance and bank dividend policy. // Journal of Financial Stability, Volume 48, June 2020.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1572308920300231>

7. Niranjana Tripathy, Da Wu, Yi Zheng. Dividends and financial health: Evidence from U.S. bank holding companies. // Journal of Corporate Finance, Volume 66, February 2021.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0929119920302522>

8. L.Lepetit, C.Meslier, F.Strobel, L.Wardhana. Bank dividends, agency costs and shareholder and creditor rights. // International Review of Financial Analysis, Volume 56, March 2018, Pages 93-111

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1057521917302156>

9. S.O’rinov. O‘zbekiston bank sektorini rivojlantirishda dividend siyosatining rolini oshirish masalalari. // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, Volume 1, Issue 3, April 2021. – P 11

10. Ш.Абдуллаева, А.Омонов. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. // Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2006. – 120 б.



11. Б.Т.Бердияров. Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашнинг назарий масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 йил. – 6 бет

12. Elmirzayev, S. and Omonov, S. (2020) "DIVIDEND POLICY ANALYSIS IN DEVELOPED COUNTRIES AND DIVIDEND ARISTOCRATS," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/22>

13. <https://sqb.uz/uz/for-investors/shareholder-information/shareholding-structure-uz/>

14. <https://sqb.uz/uz/for-investors/distribution-banks-profit-uz/>

15. <https://aloqabank.uz/uz/shareholders/bank-shares/dividends/>